



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (12.947)

Баҳоси эркин нарҳда

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий
ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан
танишиш мақсадида 30 июнь кунини Қашқадарё вилоятига келди.**

Қашқадарё вилояти иқтисодий салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. Омилкор ва ишбилармон инсонлар меҳнати туфайли барча соҳаларда улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми изчил ўсмокда. Мамлакатимиз умумий саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи ушбу вилоятда ишлаб чиқарилмоқда. Шўртан ва Муборак газ-кимё мажмуалари, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи каби замонавий саноат корхоналарида жаҳон бозорида харидорғир маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Йирик инвестиция лойиҳаси асосида Талимаржон иссиқлик электр станциясида йилига 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга иккита буғ-газ қурилмасини қуриш ишлари жадал давом этмокда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 2-августдаги «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қилиб тасдиқланган дастурга асосан умумий қиймати 2 миллиард 98 миллион долларга тенг 555 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бугунги кунгача уларнинг 440 дан ортиси ҳаётга татбиқ этилиб, саноат соҳасининг янги турларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Кейинги йилларда вилоят маркази Қарши шаҳри ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Айниқса, шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати билан кўҳна Насаф янада гўзал ва обод масканга айланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги «Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуни-

кацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарори асосида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрининг ҳудуди кенгайтирилмоқда. Янги автостанция ва вокзаллар, кўпқаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилмоқда.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида узунлиги 56 километр бўлган халқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл ва дарёлар билан кесишадиган нукталарида 6 замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар бунёд этилмоқда. Бу шаҳар ҳавоси мусавфоллигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқа йўлининг Қашқадарё дарёсини кесиб ўтадиган қисмида узунлиги 108, эни 27 метрлик янги кўприк барпо этилди. Амир Темур кўприги реконструкция қилинди.

Президентимиз вилоятга сафарини ушбу кўприклар билан танишишдан бошлади.

Бир пайтлар Қашқадарё деганда одамларнинг кўз олдида чўл келарди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларига эътибор йўқ эди. Баҳарилган қурилишлар ҳам мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилда, ҳисобот учун қилинарди. Мустақиллик йилларида узоқни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширган ишларимиз самарасида Қарши шаҳри обод ва фаровон бўлиб бораётди. Буни замонавий иншоотлар, мана шундай кўприклар мисолида яққол кўришимиз мумкин, деди Ислоҳ Каримов.

Давлатимиз раҳбари кўприклар атрофини ободонлаштириш, йўл ва дарё бўйларига ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар ўтказиш, аҳолининг мазмунли хордик чиқариши учун зарур бўладиган барча шароит ва қулайликларни яратиш кераклигини таъкидлади. Дарёнинг икки қирғоғини мустаҳкамлаш, соҳилбўйини ободонлаштириш, қайиқ станцияси ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасида бунёд этилган кўпқаватли уйларни бориб кўрди.

Илгари бу ерда режасиз қуриб ташланган, кўримсиз, пастқам уйлар бўларди. Улар кенг ва

равон йўлга мутлақо мос келмас, шаҳарнинг замонавий қиёфасини бузиб турар эди.

Шаҳарнинг бош режасига мувофиқ, мазкур кўчада замонавий кўпқаватли уй-жойлар барпо этилди. Уларнинг юқори қаватларида кенг ва шинам хонадонлар бўлиб, биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган.

Биноларнинг биринчи қавати девори гранит, юқори қаватлари оқ мрамор билан қоплангани ажиб чирой бахш этган. Бундай архитектура чанг-ғуборни сездирмай, бинонинг асл қиёфасини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бунёдкорлик ишларига бутун қалб кўрини бағишламоқ керак. Ободлик кўнгилдан бошланади, деган сўзлар халқимиз қалбидан чуқур жой олди, эзгу даъватга айланди, деди Президентимиз. Одамлар ўз уйини, кўчасини, маҳалласини обод қилишга, бахтли ҳаёт кечирishга интилиб яшамоқда. Бу уй-жойларни қуришдан мақсадимиз ҳам халқимизнинг обод ва фаровон яшашини таъминлашдир. Улардаги шароит, атрофдаги муҳит ҳам шунга мос бўлиши керак.

Қарши шаҳридаги кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар бу ерда сайр қилиб, хордик чиқармоқда.

Ҳар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлаганда, биро ва йўллар қураётганда беш-ўн йилни эмас, балки узоқ истиқболни ўйлаб иш юритиш лозим. Улар ҳар томонлама мукаммал манзара ҳосил қилсин, шу билан бирга, пишиқ ва мустаҳкам бўлсин, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин, деди Ислоҳ Каримов.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш, йўл бўйларини кўкalamзорлаштириш ва фаввораларни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Анвар САМАДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти

ИННОВАЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

**Ўзбекистонда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг реал
секторига жорий этиш бўйича самарали механизм
ривожлантирилмоқда.**

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолият ташкил этади. Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролларини ўйлаб топишдан, алгоритм ва нанозаррачалар, замонавий инновацион компьютер, супер микроэлектрон, биологик, ген муҳандислиги, қуёш ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгача бўлган мурракб йўлни босиб ўтди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан дунё тараққиётнинг янги босқичи, яъни глобаллашув даврига кирди. Бу ички ва халқаро бозорларни кенгайтириш, технологик инновациялар – компьютер техникаси, приборлар микроиниатризациясини яратиш, янги алоқа воситаларини ривожлантириш зарурати, 90-йилларда эса бугун миллиардлаб фойдаланувчиларга эга интернетнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бугунги глобаллашув жараёни рақобатни қучайтириб, янги маҳсулотлар яратиш даврини қисқартди ва компанияларни янги инновацион маҳсулотлар (технологиялар, материаллар, машиналар, техника, транспорт ва коммуниқация воситалари, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар)ни жадал ишлаб чиқишга мажбур этди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялаштириш, ҳусусий тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, кичик ва ўрта инновацион бизнеснинг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш инновацион фаолиятини кенг ривожлантиришнинг муҳим шартларидир. Шунинг таъкидлаш кераки, дунёнинг ривожланган давлатларида янгиликларнинг қарийб ярми ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес фирмалари томонидан амалга оширилмоқда. Чунончи, АКШ Миллий илм-фан фонди маълумотларига кўра, кичик фирмаларда ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар сони сарф-харажатлар бирлиги бўйича ўрта ва йирик фирмаларга қараганда анча кўдир. Бундан ташқари, кичик фирмалар янгиликларни жадал ўзлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам йирик фирмаларга қараганда тахминан учдан бир баробар илгирилаб кетган.

Университет ва техника институтлари ишлаб чиқариш компаниялари ва фирмалар билан биргаликда патентланган ишланмада ўз иштирокини улушини

белгилаб тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёни катта самара беради. Европа патент идораси томонидан берилган барча халқаро патентларнинг 85 фоизи айнан шундай ҳамкорликдаги ишланмалар улушига тўғри келиши ҳам бежиз эмас.

АКШ, Япония, Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес инновацияларга мойиллиги билан ажралиб туришини кўриш мумкин. Ўтган асрнинг 90-йилларида ушбу мамлакатларда минглаб ана шундай компаниялар ташкил этилди. Уларнинг аксарияти бугунги кунда жаҳон ишлаб чиқаришида етакчи фирмаларга айланди («Samsung», «Microsoft», «Pfizer», «Hitachi» ва бошқалар). Бу, ўз навбатида, миллионлаб янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятини яратди ва саноат ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришга кучли туртки берди.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнилари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва бошқа илм-фан маҳсулотлар тижоратлаштирилмоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодиётнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирик ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар янги тарихий воқеаликларга мос келадиган фан-техника ва инновация соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш учун ўзига хос рағбат бўлди.

(Давоми 2-бетда)

**Пойтахтимизда 30 июнь кунини «Мультимедиа, ахборот
технологиялари ва уларнинг амалиётга татбиқи – МИТА –
2015» XI халқаро анжумани иш бошлади. Унда
мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналари, АКШ,
Италия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Украина,
Озарбойжон каби мамлакатлардан етакчи таълим ва
илмий муассасалар вакиллари, олим ва мутахассислар,
профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок
этмоқда.**

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИГА БАФИШЛАНДИ

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, Жанубий Корея мультимедиа жамияти ҳамда мазкур мамлакатнинг Пикенг миллий университети, Донггук ва Ульсан университетлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ботир Усмонов, Тошкент давлат техника университети профессори Нодирбек Юсуфбеков ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамлигида барча жаҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, АКТ соҳасини ривожлантириш ва ушбу йўналишда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Тошкентда Жанубий Кореянинг Инха университети филиали очилгани бу борада амалга оширилаётган фаол халқаро ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади.

Анжумандан қўзланган мақсад мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг мультимедиа, ахборот технологиялари ва уларнинг амалиётга жорий этилишидаги ютуқларини намойиш этиш, со-

ҳанинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, шунингдек, мамлакатимиздаги ўқув ва илмий муассасалар олимларининг рақобатбардор илмий инновацион ишланмаларини жорий этишга саноат корхоналарини жалб этишдан иборат.

Тадбир жаҳонга ҳаётига мультимедиа ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, телекоммуникация тизимлари технологияларини мустаҳкамлашга қаратилган. Мамлакатимиздаги таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг йирик марказлари – Тошкент давлат техника ҳамда Ахборот технологиялари университетидаги техника ва ахборот технологиялари йўналишларида кадрлар тайёрлайди ва ўзида йирик инновацион илмий-тадқиқот мажмуаларини муассасалаштирган. Мазкур олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишланмалари мамлакатимизнинг нефть-газ, ёқилғи-энергетика, кимё саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, тоғ-кон металлургияси, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар каби соҳаларида фаолият юритувчи етакчи саноат корхоналари билан фаол ҳамкорлик асосида ишлаб чиқилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

2015 йил 1 июль, ЧОРШАНБА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоийда касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг мамлакат босқичида ҳудудларда голибликни қўлга киритган 14 нафар иқтидорли ёшлар ўзлари яшайдиган ҳудудга хос анъана, маросим ва халқ ўйинларини сахна кўринишлари орқали намойиш этди.

● Самарқанд вилоятида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши тижория кўмитаси ташаббуси билан «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида «Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш» мавзусида бизнес-семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, вилоят Солиқ бошқармаси, Марказий банк ва етакчи тижорат банклари ходимлари ҳамда лойиҳанинг вилоят босқичига йўлланма олган иштирокчилар қатнашди.

● Жорий ўқув йилида Қашқадарё вилоятидаги касб-хунар коллежи ва академик лицейларни 46 минг 543 нафар ўқувчи тамомлади. Битирувчилар 122 мутахассислик бўйича 18 минг 459 корхона-ташкilotда амалиёт ўтаб, уч томонлама шартномалар имзолади.

● Ўзбекистон Аёллар футбол асоциацияси ва Германиянинг Тошкентдаги элчихонаси ҳамкорлигида Ўзбекистонда аёллар футболни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир ҳафта давомида Тошкент олий таълим даргоҳларининг талаба қизлари ўртасида илк маротаба футбол турнири ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Флоридадаги Канаверал кўрфазигади космодромдан коинотга парвоз қилган АКШнинг Falcon 9 русумли элтувчи ракетаси стартдан бир неча дақиқа ўтгач бўлақларга бўлиниб кетди. Ушбу ракета Халқаро космик станцияга сув, озик-овқат захирасини ҳамда тадқиқотлар учун асбоб-анжомларни етказиши лозим эди. Ҳозирча ҳалокат сабаблари номаълум.

● Индонезиянинг АКШда ишлаб чиқарилган Hercules C-130 русумли ҳарбий транспорт самолёти парвозга кўтарилгандан сўнг бир оз вақт ўтгач, Суматра оролидаги Медан шаҳрининг шимолида жойлашган турар жой даҳаси ва меҳмонхонанинг устига қулаб тушди. Ушбу авиа ҳалокат натижасида камида 30 киши ҳаётдан кўз юмди. Шу муносабат билан Индонезия ҳарбий ҳаво кучлари В русумидаги барча Hercules самолётларидан фойдаланишни уларнинг хавфсизлиги аниқланмагунча қадар тақиқлаб қўйди.

● Дунё бўйлаб саёҳат уюштираётган «Solar impulse 2» самолёти Япониядан Гавай ороллари сари йўл олди. Ушбу самолёт қанотларига ўрнатилган 17 мингта қуёш батареяси ҳамда тўртта электромотор воситасида ҳаракатланади. Айтиш кераки, мазкур самолёт жорий йилнинг 9 мартидан йўлга чиққан бўлсада, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли 1 июнь кунини Япониянинг Нагоя шаҳрига қўнишга мажбур бўлганди.

Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари ёки www.kamolot.uz сайтидан олиш мумкин.

